2018 йил 4 апрель, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (13.660)

Баҳоси эркин нархда


## АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЯКУНЛАРИ БУЮК БРИТАНИЯЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

***Жорий йил 26-27 март кунлари бўлиб ўтган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференциясининг якунлари халқаро ҳамжамият томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.***




Жумладан, Буюк британиялик экспертларнинг баҳо беришича, Тошкент конференцияси Марказий Осиёнинг минтақавий ривожланишида ҳамда унинг халқаро муносабатлардаги ўрнида янги давр бошланганини намоён қилди.

Масалан, **"Шарқ – Ғарб" институти етакчи илмий ходими Нажам Аббос**нинг фикрига кўра, "Тошкентнинг янги ёндашувларидан фойдаланиш Афғонистондаги низони бартараф этишда катта наф келтириши мумкин".

– Ўзбекистон ташаббуслари Афғонистоннинг минтақа тараққиётига ҳисса қўшишга қодир бўлган мамлакатга айлантиради, – дейди Нажам Аббос. – Бунинг учун бир-бирига қарши курашаётган томонлар соғлом сиёсий маконни яратиши ва ярашув жараёнини ишонч билан бошлаши керак.

**Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми директори, профессор Сиддхарт Саксена** Ўзбекистоннинг минтақавий кооперациянинг локомотиви, деб ҳисобланишини айтди.

– Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёни аҳил ҳамда барқарор минтақага айлантиришга интилмоқда, – деди у. – Ўзбекистон етакчиси Афғонистонга нисбатан янги сиёсат юритишни бошлади. Кўплаб мамлакатлар бу давлатни муаммоларнинг асосий манбаи сифатида қабул қилаётган бир даврда Ўзбекистон раҳбари Афғонистоннинг жаҳон ҳамжамиятига наф келтирадиган, ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятига урғу бермоқда.

Мен буни "Марказий Осиё учун янги давр", деб айтаман. Негаки, кўп йиллардан буён минтақа биринчи марта иқтисодий, сиёсий ва энг муҳими, инсоний тараққиёт сари якдиллик билан ҳаракатланишни бошлади. Шу боис Ўзбекистоннинг афғон ташаббуси ноёб имкониятларни очмоқда, буни эса ҳаётга изчил татбиқ этмоқ лозим.

Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёни жипслаштиргани ҳолда, Афғонистоннинг умидли келажаги йўлида муҳим ёндашувни намоён қилмоқда. Шунинг ўзиёқ катта муваффақиятдир. Ўзбекистон Президентининг бундай нуқтаи назари ҳамда унинг сиёсати Афғонистон халқи ва бутун минтақа учун яхши самаралар беради.

**"Жаҳон" АА**
*Лондон*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Пойтахтимизда "Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш. Сифат инфратузилмаси ва маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолаш" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***



## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимиз иқтисодий ривожининг асосий йўналишлари бўлган саноат, кичик бизнес ва тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қаторислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айнан шу ислоҳотлар амалиётида халқаро тажриба ва ҳамкорликнинг алоҳида ўрни бор.

"Ўзстандарт" агентлиги ташкил этган ушбу халқаро анжуманнинг мақсади бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган. Хусусан, унда экспорт салоҳиятини юксалтириш, маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт географиясини кенгайтириш ва экспорт фаолиятини амалга оширадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларни таҳлил қилиш бўйича долзарб мавзулар қамраб олинган.

Шу мақсадда тадбирга маҳаллий вазирлик, идора, ташкилотлар вакиллари ва мутахассислар қаторида Халқаро молия корпорацияси (IFC), БМТ Тараққиёт дастури, Германия физика-техника институти (PTB), Турк стандартлари институти (TSE), GLOBAL G.A.P ташкилоти котибияти, Халқаро савдо маркази (ITC) каби ташкилотлар экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Ж.Хўжаев, "Ўзстандарт" агентлиги бош директори А.Каримов ва бошқалар мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровон ҳаёти йўлида олиб борилаётган халқаро муносабатлар барча жабҳаларда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

– Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ошириш ва жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаш учун барча имкониятга эга, – дейди "Ўзстандарт" агентлиги матбуот хизмати раҳбари А.Расулов. – Бунга мамлакатимиз йирик ишлаб чиқариш ва хомашё ресурслари, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда сезиларли заҳираларга эга экани ва юқори малакали кадрлар мавжудлиги мисол бўлади. Ўзбекистоннинг йирик халқаро лойиҳаларда иштирок этиши халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва шу тариқа юртимизда экспорт салоҳиятини юксалтиришга кенг имконият яратади.

– Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик амалий натижалар бермоқда, – деди туркиялик эксперт Умер Каракоч. – Бугунги учрашув ҳам шундай дўстона алоқалар натижасида ўтказилмоқда. Анжуманда "SMIIC стандартлари асосида "Ҳалол" маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби" мавзуи бўйича маъруза қилдим. Ўйлайманки, мавзу борасидаги фикрлар иштирокчиларга маҳсулотларни халқаро стандартлар асосида баҳолашда қўл келади.

Халқаро конференция ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни барқарор ва изчил ривожлантириш, экспортни кенгайтириш учун аниқ чора-тадбирлар ва йўл хариталари ишлаб чиқишга қаратилган вазифаларни ҳал қилишда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманган вилоятининг Наманган туманида "Сен ҳам фаол ёшлар сафидасан!" лойиҳаси доирасида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида туманда енгил саноат, тўқимачилик, тикувчилик, паррандачилик, қурилиш ашёлари ва бошқа ишлаб чиқариш йўналишларида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган 84 корхона ўзида мавжуд 500 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашиб, ёшларни ишга таклиф қилди. Ярмаркада 100 дан ортиқ ёшларга "Тошбулоқ текс" ва "Голден силк" каби ишлаб чиқариш корхоналарига йўлланма берилди.**

**● Навоий вилоятининг Учқудуқ тумани "Узунқудуқ" овул фуқаролар йиғинида маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Илгари чорвачилик ширкат хўжалиги идораси бўлган бино 277 миллион сўм маблағ эвазига мукаммал таъмирдан чиқарилди. Эндиликда бу ерда гўзаллик салони, сартарошхона, тикув цехи каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда кутубхона, спорт зали ва чойхона фаолияти йўлга қўйилди.**

**● Самарқандда "Энг яхши ёш банк ходими" кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарқанд вилояти бош бошқармаси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда қуйи босқичларда ғолиб бўлган 19 нафар ёш банк ходими ўзаро баҳслашди.**

**● Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасида уч авлод учрашуви тадбири бўлиб ўтди. Учрашувда уч авлод, яъни фахрий ҳарбийлар, бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда Ватан ҳимоячиси бўлиш орзусида ҳарбий таълим муассасасида сабоқ олаётган курсантлар Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, миллий армиямизнинг тинчликосойишталикни таъминлашдаги муҳим аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШ тартибсиз муҳожирлик сиёсати учун Мексикани айблади. Шу кунларда ҳам минглаб гондураслик муҳожирлар Мексика орқали АҚШ ҳудудига кириш учун ҳаракат қилмоқда.**

**● Испанияда бешта цирк филларини олиб кетаётган машина ҳалокатга учраб, ағдарилиб кетиши натижасида битта фил ҳалок бўлди, иккитаси жароҳатланди.**

**● Кубалик собиқ футболчи Эрик Эрнандес ўтирган ҳолда бир оёғида тўпни 1 соату 10 дақиқа ерга туширмай тепиб турди ва жаҳон рекордини ўрнатди. Куба ахборот агентлигининг хабар беришича, ушбу воқеа Гаванадаги "Ривьера" меҳмонхонаси залида кузатилган. 51 ёшли футболчи машғулотларда 1,36 кг келадиган коптоклардан фойдаланган. Рекорд эса 2018 йилги мундиалнинг расмий тўпида бажарилди. У бунгача ҳам бир қатор рекордлар қайд этган. Хусусан, сўнгги марта ўтган йили июлда у 43 дақиқаю 5 сония ўтириб тўп ўйнатишга эришганди. Шунингдек, у 1 дақиқада 319 марта бошида тўп ўйнатиб ҳамда 1 соату 28 дақиқа битта тиззасида жонглёрлик қилиб, рекорд қайд этган.**

***Миллий матбуот марказида "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган матбуот анжумани ишлаб чиқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, сервис корхоналари ва машина-трактор паркларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда соҳа корхоналарини стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш масалаларига бағишланди.***

## ЯНА 30 ДАН ОРТИҚ ТУРДАГИ ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 15 ноябрдаги "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ, жамият замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш тизимини бошқариш бўйича ягона комплекснинг самарали фаолиятини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда жамият таркибидаги корхоналарда 80 дан ортиқ турдаги техника ва агрегатлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар нафақат ички бозор, балки Туркманистон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон, Қирғизистон, Ҳиндистон каби давлатларга экспорт ҳам қилинаётир.

–2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигини техникаларнинг асосий турлари билан таъминлаш ва боғдорчилик, узумчилик, полизчилик, сабзавотчилик ҳамда чорвачилик йўналишларида янги техникалар турини ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш чора-тадбирлари дастури ижроси ҳам таъминланмоқда, – деди акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи ўринбосари Маъмуржон Зиёев. – Айни пайтда Беларусь, Жанубий Корея, Россия, Франция каби давлатларнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда 5 қўшма ва қўшма ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиб, ҳозир 30 дан ортиқ турдаги янги техникаларни ишлаб чиқариш тараддуди кўрилмоқда. АҚШнинг етакчи компаниялари билан 5 турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини чуқур маҳаллийлаштириш бўйича келишувлар имзоланиши эса, бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омилдир.

Шунингдек, миллий техникаларни яратиш, тажрибадан ўтказиш ва малакали мутахассисларни янги замонавий инновацион технологиялар асосида тайёрлаш ва қишлоқ хўжалиги конъюктурасига қараб иқлим ва ер шароитига мос техникалар ишлаб чиқариш мақсадида Жанубий Кореянинг савдо, саноат ва энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда конструктор-муҳандислик бюроси ташкил этилди. Тизимда меҳнат қилаётган 7,5 мингдан зиёд ишчи-ходимнинг малакасини ошириш, замонавий ускуналардан фойдаланишни ўргатиш, уларни малакали мутахассис сифатида шакллантириш тадбирлари эса акциядорлик жамиятининг диққат марказида турган долзарб вазифалардандир.

**(ЎзА)**

## ТУРИЗМ РИВОЖИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЎРНИ

***Сайёҳлик дунё иқтисодиётида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Кўплаб мамлакатлар айни шу соҳа орқали аҳолиси фаровонлигини таъминлаяпти. Баъзи мамлакатлар ўз тарихий масканлари, сўлим табиати, қадимий обидалари билан сайёҳларни жалб этаётган бўлса, айримлари бутунлай бошқа йўналишларда, хусусан, савдо ва хизматлар билан дунёга эшик очмоқда.***

Айни шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон имкониятлари ҳеч қайси жабҳада ҳеч кимдан кам эмас. Бироқ, бу имкониятни рўёбга чиқариш борасида дўппини бошдан олиб ўйлайдиган масалалар йиғилиб қолган эди.

Аввало, соҳа билан боғлиқ расмиятчиликлар, хизмат кўрсатишдаги камчиликлар, нарх ва хизматлар ўртасидаги тафовут... Буларнинг барчаси улкан имкониятларимизга соя солиб турган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу каби муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида ҳал қилувчи қарорлар қабул қилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилиб, унинг фаолияти замон талабларига мослаштирилди. Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик корпус раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказилди, соҳа истиқболи билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди.

Президентимизнинг тегишли қарор ва фармонлари эълон қилинди. Виза тартиби соддалашди, сайёҳлик учун қўшимча имконият ва имтиёзлар берилди. Натижада қисқа вақтда Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошди.

Давлатимиз раҳбарининг ички туризмни ривожлантириш борасида илгари сурган ташаббуслари ҳам халқимиз кўнглидаги гап бўлди. Ўзбекистонда яшаб Ўзбекистонни билмайдиган одамлар жамоа бўлиб, тарихий шаҳарларимиз, муқаддас қадамжоларни қайта кашф этмоқда.

Бу жараёнда ҳар бир ташкилот ва муассаса, шу юртнинг ҳар бир фуқароси фаол бўлиши зарур. Шунда бошланган хайрли ишлар янада жадаллашади. Меҳнатлар маҳсули тезроқ кўзга ташланади.

(Давоми 2-бетда)

# ТУРИЗМ РИВОЖИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЎРНИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳам ўз йўналишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросига масъулият билан ёндашмоқда.

Инспекция томонидан йил бошидан тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар жойлашган ҳудудлардаги алоқа қамровлари ўрганиб чиқилди. Аввало, Ўзбекистоннинг ташриф қоғозига айланган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги алоқа хизматлари синчковлик билан кўрикдан ўтказилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, Самарқанд шаҳрида жами 107 та меҳмонхона мавжуд бўлиб, шундан 11 таси оптик толали кабель орқали, қолганлари ADSL технологияси асосида интернет тармоғига уланган. Меҳмонхоналар ҳудудида барча мобиль алоқа хизматлари бўйича қамров 100 фоизни ташкил этади.

Бироқ, вилоятда жойлашган муқаддас қадамжоларнинг барчасида ҳам мобиль алоқа операторларининг қамрови кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги Хўжа Дониёр ва Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Пойариқ, Нуробод туманларидаги зиёратгоҳларда қамров билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Жумладан, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи ҳудудида "COSCOM", "Uzmobile (GSM)", "Uzmobile (CDMA)", "RWS" мобиль компанияларининг 2G технологияси сигналлари қониқарли, бироқ, 3G технологияси сигнали талаб даражасида эмас. Бу борада фақат "UMS" компаниясининг 2G ва 3G технологиясида муаммолар учрамайди.

Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи ҳудудида "COSCOM", "UMS", "RWS", "Unitel" компанияларининг 2G ва 3G қамровлари талаб даражасида, "Uzmobile (GSM)" нинг 3G сигналлари етарли эмас. Имом Бухорий зиёратгоҳи ҳудудида "UMS", "COSCOM", "Uzmobile (GSM, CDMA)", "Unitel" компанияларининг хизмат сифатида муаммолар учрамайди. Бироқ, "RWS" сигнали қамрови етарли эмас. Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ҳудуди фақат "Ўзбектелеком" АК "Uzmobile" филиалининг 2G ва 3G алоқа қамрови билан (яхши) таъминланган, бугунги кунда мазкур зиёратгоҳга яқин ҳудудда "Unitel" МЧЖ томонидан янги таянч база станцияларини ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмида Wi-Fi зоналари ташкил этиш ва интернет ахборот тармоғига уланиш имкониятини яратиш мақсадида ҳозирги кунда "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали томонидан Регистон майдони, Самарқанд темир йўл вокзали, Самарқанд аэропорти, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси, Сиёб бозори ҳамда Ҳазрати Хизр масжиди ва Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мақбараси ҳудудларида Wi-Fi зонаси ташкил қилинган бўлса-да, фаолият кўрсатмаяпти.

Шунингдек, бошқа объектларда ҳам Wi-Fi зоналари ташкил этиш бўйича "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали ва "ЎзИ-Самарқанд" филиали билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Хоразм вилоятида ҳам аҳолига сифатли алоқа ва интернет хизмати кўрсатиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, сайёҳлар кўп келадиган тарихий масканларни симсиз ва тезкор интернет тармоғи билан қамраб олиш борасида муаммолар мавжуд.

2014 йилда "Ўзбектелеком" АК томонидан Урганч темир йўл вокзалида 4 нуқтада, Урганч аэропортида 5 нуқтада, Хива шаҳрининг Ичан қалъа ҳудудида 34 нуқтада Wi-Fi зонаси ташкил қилинган. Бироқ, бугунги кунда ушбу Wi-Fi интернет тизими фақат Урганч темир йўл вокзали ҳудудида ишлаб турибди. Сабаби интернет трафиги учун тўловни Урганч темир йўл вокзали маъмуриятидан бошқа ҳеч бир ташкилот ўз зиммасига олмаган.

Бу муаммолар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда Инспекция ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ўрганилиб, тегишли тартибда ҳал этилиши устида иш олиб борилмоқда.

Юқоридаги объектлар маъмуриятлари 2017 йил 16 декабрь куни Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармасига "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалидан мавжуд интернет карталарни сотиб олиб хорижий сайёҳларга етказиш тизимини ташкил қилиш таклифини берди, бу орқали улардаги Wi-Fi Интернет тизимини ишлатишга тайёр экани билдирилди.

Шунингдек, Хива шаҳридаги жами 37 та меҳмонхонадан 32 таси симли телефон алоқаси ҳамда интернет тармоғига уланган. Қолган 5 та меҳмонхонада қурилиш ишлари охирига етказилмаган ва шу сабабли телефонлаштирилмаган. Ушбу зонада барча мобиль алоқа хизматлари бўйича қамров 100 фоизни ташкил этади.

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги "2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти сайёҳлик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида вилоятдаги сайёҳлар тўпланадиган гавжум жойларда Wi-Fi-ҳудудларини яратиш билан боғлиқ вазифалар белгиланган эди.

Қарор асосида Бухоро шаҳридаги барча тарихий қадамжолар, жумладан, Пойи Калон, Лаби ҳовуз, Тоқи-Саррофон, Тоқи-Телпакфурушон, Тоқи-Заргарон, Абу Али Ибн Сино хиёбони, қадимий Арк майдони, Бухоро аэропорти ҳамда Бухоро автошоҳ бекатлари, Ситораи Моҳи Хоса қасри, Темир йўл вокзали ва Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларига узоқ масофада ишловчи Wi-Fi узатгич қурилмалари ўрнатилиб, тайёр ҳолатга келтирилган. Тасдиқланган жадвал асосида хизмат ишга туширилмоқда. Бухоро шаҳридаги 100 дан ортиқ меҳмонхонада замонавий симсиз Wi-Fi интернет хизматлари жорий этилган.

Вазирликнинг ҳудудий бошқармаси ва Инспекция ҳудудий бўлинмаси томонидан бу борадаги ишлар мониторинги олиб борилмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза, бугун пойтахтимиз ва вилоят марказларида фаолият олиб бораётган турли кўнгилочар ва савдо мажмуаларида мижозлар учун бепул Wi-Fi зоналари тақдим этилмоқда. Ижара асосида планшет ва бошқа электрон қурилмалардан маълум вақт фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу, биринчидан, бу жойларга келувчи харидорларни ўзига жалб этса, иккинчидан, тадбиркорлик субъектига қўшимча даромад келтиради, дегани.

Вилоят ҳокимликлари ҳам тарихий масканларга келаётган сайёҳларга бепул интернет хизматлари тақдим этиш орқали улар ташрифини рағбатлантирса, фойдадан холи бўлмайди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган алоқа операторлари ҳам тарихий шаҳарларимиз, муқаддас қадамжолар ҳудудидаги алоқа қамровини ўрганиб, хизмат сифатини замон талабларига етказса, аввало, ўз зиммасидаги мажбуриятни бажарган ва қолаверса, юртимиз туризм салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшган бўлади.

Сир эмас, бирор юртга борсангиз, аввало, соғ-омон етиб келганингиздан уйдагиларни хабардор қилишга шошиласиз. Иқтисоди тараққий этган, туризм ривожланган мамлакатларда бу борада муаммолар учрамайди. Сиз, турли пакетдаги сим карталар орқали алоқа хизматидан фойдаланишингиз мумкин. Сафар давомида мобиль телефонингиз бекаму-кўст ишлаб турса, ўзингизга ишончингиз мустаҳкам бўлади.

Юртимизга келаётган сайёҳларни ҳам ўзимизга қиёсласак, масала моҳияти янада ойдинлашади. Бу борада "Uzmobile" компанияси томонидан туристлар учун махсус тарифлар ишлаб чиқилгани, мобиль роутерни ижарага бериш хизматлари жорий этилганини олқишласа арзийди. Бошқа компаниялар ҳам бу борада ўзаро рақобатга киришса, нур устига нур бўлар эди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Яратганнинг назари тушган юрт. Дунё тараққиётига муносиб ҳисса қўшган алломалар Ватани. Қадим тарих ва буюк келажак чорраҳасини макон тутган муқаддас гўша. Истиқлол туфайли юртимизда асрларга татигулик оламшумул ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Дунё бизни қайтадан кашф этди. Бугун мамлакатимизда тараққиётнинг янги тўлқини халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик фазилатларини жўш урдирди. Шундай экан, ҳар биримиз ўзимизга талабни қаттиқ қўйиб, дунёқарашимиз ва амалий ҳаракатларимизни замон талабига мослаштирсак, давлатимиз раҳбари ташаббусларини қўллаб-қувватлаган бўламиз.

**Дилшод БЎРИЕВ,**
**Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси матбуот котиби**
**ЎзА**

***Ҳукуматимизнинг иқтисодий барқарорликка ва унинг ўсиш суръатларини сақлаб қолиш борасида олиб бораётган ислоҳотлари қаторида мамлакатимиз фонд бозорини янада ривожлантириш ва унинг жаҳон миқёсида нуфузини ошириш, илғор хорижий тажрибани қўллаш орқали ушбу соҳага кенг қатламдаги аҳолини жалб этиш чора-тадбирлари бугунги кунда муҳим ўрин тутмоқда.***

# ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САРИ ЯНГИ ҚАДАМЛАР

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 2 февралдаги "2018 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Дастурга кўра қимматли қоғозлар бозорига оид қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.

Жумладан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги Қонунга акциядорлик жамияти устав капиталининг энг кам миқдорига бўлган талабни эквивалентда 400 минг АҚШ долларидан 400 млн. сўмга камайтириш, акциядорлик жамиятлари устав капиталида чет эллик инвесторлар улуши камида 15 фоизни ташкил этиши лозим бўлган тартибни бекор қилиш, акциядорлик жамиятларига акцияларни номинал қиймат билан ёки номинал қийматсиз чиқаришни мустақил танлаш ҳуқуқини бериш борасидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали республикада тадбиркорлик муҳитини яхшилашга, миллий фонд бозори рақобатбардошлигини оширишга, кенг кўламда тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган лойиҳаларга аҳоли ва институционал инвесторларнинг бўш турган маблағларини жалб этиш имконини яратиш натижасига эришиш кутилмоқда.

Бундан ташқари, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонунда уюшган бозорларда, айниқса, фонд биржаси ва қимматли қоғозларнинг уюшган биржадан ташқари бозорида эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришнинг энг кам миқдорига бўлган талабни бекор қилиш мўлжалланмоқда.

Бу эса ўз навбатида, акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини амалга ошган деб эътироф этиш учун уларни уюшган бозорларда жойлаштиришнинг энг кам миқдорига бўлган талабни бекор қилиниши ташкилотларга фонд биржалари орқали инвестицияларни эркин жалб қилишда қўшимча имкониятлар яратади, қимматли қоғозларнинг ишончлилиги борасида инвесторларнинг ишончини оширади, шунингдек, қимматли қоғозни сақловчиларнинг пул маблағларини йўқотишларидан ҳимоя қилиш каби имкониятларни яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан давлат мулки объектларини сотишда халқаро амалиётда кенг фойдаланилаётган шакллардан бири бўлган фонд биржасида аҳолига ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига акцияларни бирламчи ва иккиламчи ошкора таклиф этиш жорий этилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, хорижий тажрибада кенг фойдаланиб келинаётган қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ амалиётларни замонавий, такомиллашган, илғор бўлган дастур ва технологиялар орқали амалга ошириш талаб этилади. Ҳозирда ушбу дастур ва технологиялар мамлакатимиз фонд бозорида мавжуд. Корея биржаси (KRX) томонидан ишлаб чиқилган савдо, брокерлик, ҳисоб-китоб-клиринг, депозитар ва назорат тизимларини ўзида мужассам этган ягона дастурий-техник комплекси 2016 йилдан бошлаб ишга туширилди. Ундан Ўзбекистон фонд бозорининг барча иштирокчилари фойдаланиб келмоқда.

Мазкур тизимнинг афзал тарафлари шуки, корхоналарда ўзларига тегишли бўлган савдо, ҳисоб-китоб-клиринг ва депозитар тизимларидан фойдаланиш зарурати йўқолганлиги, бюрократия ва сансалорлик камайиши, вақт ва маблағ харажатлари тежалиши, қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари онлайн тарзда www.fondbozori.uz веб-сайти орқали барча шахслар томонидан амалга ошириш имкони пайдо бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида келтирилган барча қадамлар мамлакатимиз фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган, ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган эътибор ва ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар фонд бозорини мувофиқлаштирувчи қонунчиликнинг янада такомиллашишига, акциядорлик жамиятлари ва улар томонидан чиқарилаётган қимматли қоғозлар муомаласига доир ортиқча тўсиқларни камайтириш ва бекор қилиш, хорижий мамлакатлар тажрибасида ўзини оқлаган янги механизмлар ва инновацион технологияларни мамлакатимиз фонд бозорига татбиқ этишга қаратилмоқда.

Мазкур саъй-ҳаракатлар эса, ўз навбатида, фонд бозоримиз иштирокчиларидан бири бўлган акциядорлик жамиятларига хўжалик юритувчи субъектларнинг, чет эл инвесторларининг ва аҳолининг бўш маблағларини жалб этилишини ошириш мақсадида амалга оширилмоқда.

**Хуршид ТАБИБОВ,**
**Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 26-27 март кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги халқаро конференцияда имзоланган Афғонистон бўйича Тошкент декларацияси муҳокамасига бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди.***

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ ҚЎШНИ ДАВЛАТ ТИНЧЛИГИ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда депутатлар, партия фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мазкур халқаро конференция қўшни Афғонистон заминида қарийб 40 йилдан буён давом этаётган қуролли қарама-қаршиликка тинч йўл билан чек қўйиш, бу ҳудудда тинчлик, осойишталик ўрнатиш, иқтисодий-сиёсий барқарорликни, афғон халқининг хотиржам ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Афғонистонни қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқалар тизимига жалб этиш бўйича умумий саъй-ҳаракатлар бу юртдаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг тараққий этишига муносиб ҳисса қўшади. Афғон заминида тинчлик ўрнатилиши нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки бутун Евроосиё қитъасидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар эшигини очади, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда муҳим ўрин тутади.

Конференцияда имзоланган Афғонистон бўйича Тошкент декларациясида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳил, иноқ қўни-қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш назарда тутилган. Ушбу мулоқотда айни масалалар юзасидан фикрлар билдирилди.

Маънавий қадриятлари уйғун бўлган икки элнинг ижтимоий-маданий ҳаёти азалдан муштарак. Айни пайтда Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар истиқомат қилади. Афғонистон Конституциясига мувофиқ, ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Очиқ мулоқотда ушбу халқаро конференция, унда имзоланган декларация ва давлатимиз раҳбарининг нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш, анжуман аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш барча даражадаги партия ташкилотлари олдида турган муҳим ишлардан экани қайд этилди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Шиддат билан ривожланаётган жамиятда юридик хизмат соҳаси ходимларига алоҳида ўрин ажратилган. Зеро, шартномавий-ҳуқуқий, моддий ва мулкий муносабатларни замон талаблари даражасида такомиллаштириш, бу борадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш, меҳнат жамоаси ва унинг аъзолари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш йўли билан тараққиёт ва барқарорлик, тўкинлик ва фаровонликка йўл очишда мазкур хизмат ходимларининг ўрни ва роли бениҳоя катта.***

# ЮРИДИК ХИЗМАТ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА

Ушбу тизимдан халқимиз ва жамиятимизнинг ҳам умиди катта. Президентимизнинг 2017 йил 19 январдаги "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори айнан шу жиддий ва масъулиятли ишнинг амалдаги рўёбини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу Қарорда юридик хизмат юқори мақом ва нуфузга эга бўлди, фаолияти янги босқичга кўтарилди. Бир мунча тарқоқ ва бир-биридан ажраган ҳолда ҳар бир субъектда алоҳида фаолият кўрсатиб келган ходимлар ишини ўзаро мувофиқлаштириш ва ягона ўзакка бирлаштириш имкони юзага келди. Қарор талабига кўра, Адлия вазирлиги тизимида Юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси, жойларда эса унинг шўъбалари ташкил этилди. Қарор ижроси доирасида тизим ходимлари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш ва услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатишнинг бир қанча янги шакл ва усуллари жорий қилинди, шу юзасидан доимий мониторинг тадбирлари йўлга қўйилди.

Бунинг шарофатидан тизим фаолиятида ўтган даврдагидан жиддий фарқланувчи янгича, замонавий, прогрессив ва юқори самарали жиҳатлар юзага келди. Кадрлар фаолиятини кафолатлаш, бунда холислик принципини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларида ишловчи юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлаш ва ундан озод этиш масалаларини адлия органлари билан мажбурий тарзда келишув йўли билан ҳал қилиш тартиби йўлга қўйилди. Бу билан юридик хизмат ходимининг тегишли раҳбар томонидан асоссиз равишда ишдан бўшатилиши ёки унга бошқача тарзда тазйиқ ўтказишнинг олдини олиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Энг асосийси, фаолиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган ҳужжатлар амалдаги меъёрлар ва тартиб-таомилларга нечоғли мослигини экспертизалаш, бу жараёнда аниқланган қусурларни бартараф этиш ва холисликни таъминлаш имкони вужудга келди.

Юридик хизмат ходимларига қўшимча ваколатлар бериш билан бирга, улар зиммасидаги мажбуриятлар доираси ҳам кенгайтирилди. Хусусан, юридик хизмат ходими давлат органлари ва ташкилотларида, шунингдек, ушбу тизимга кирадиган тузилмаларда қонунбузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идораларга хабар бериши бажарилиши шарт бўлган вазифалар қаторига қўйилди.

Тизим ходимлари меҳнатини рағбатлантириш масаласи Қарорда алоҳида кўрсатилди ва судгача ҳамда суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини мукофотлашнинг аниқ механизмлари белгиланди. Мазкур Қарорга кўра давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тўлиқ ёки қисман тан олинган; ҳакамлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноят, фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг тегишли ҳужжатлари, нотариусларнинг ижро хатлари ҳамда бошқа асосларга биноан ундирилган маблағлар тасдиқланган низомга мувофиқ юридик хизмат ходимларига мукофот пулини тўлашда ҳисобга олиниши белгиланди. Бундай тартибдаги рағбатлантириш қайд қилинган маблағлар давлат органи ва ташкилоти ҳисоб рақамларига ёки шахсий ғазначилик ҳисоб варақларига келиб тушгандан сўнг амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз раҳбарининг Қарори қабул қилингунига қадар давлат органлари, корхона ва ташкилотлардаги юридик хизмат ходимлари судда ёки судга қадар ҳал қилинган низолар бўйича ундирилиши лозим бўлган пуллар келиб тушган тақдирда ҳам деярли бераҳбат қолиб кетар эди.

Юридик хизмат соҳасидаги моддий таъминотнинг етарли эмаслиги, имтиёз ва рағбатлантириш савиясининг пастлиги кўпгина ҳуқуқшунос кадрларнинг ушбу вазифада муқим ишлашига халал бериб келди. Шу сабабдан ҳам аксарият кадрлар ишни юридик хизмат соҳасидан эмас, суд-ҳуқуқ органларидан излашди. Натижада меҳнат бозорида номутаносиблик ҳоллари ҳам юзага келди.

Юридик хизмат ходимига ҳуқуқни қўллаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳам кўпгина ваколатлар берилди. Ваҳоланки, ушбу вазифада ишловчи ходим узоқ вақт мобайнида бундай ҳуқуққа эга бўлмаган ҳолда кўпинча эса самарасиз фаолият кўрсатиб келди.

Эндиликда, бу каби камчилик ва нуқсонларни бартараф топтириш учун қулай имконлар юзага келди. Жумладан, юридик хизмат ходимларининг лавозим разрядлари Президентимиз Қарори талабларига мувофиқлаштирилиб, уларнинг мартаба даражаларига мувофиқ ва узоқ муддатли хизмати эвазига қўшимча ҳақ тўлаш механизми яратилди ва бунинг амалдаги ифодасини Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир давлат органлари ва ташкилотлари фойдасига ҳал қилинган иш ва низолар юзасидан ундирилган маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини мукофотлаш масаласи бошқармамиз томонидан тегишли тартибда кун тартибига қўйилди.

Шунингдек, бўш юридик хизмат ўринлари малакали ҳуқуқшунослар билан тўлдирилиши таъминланмоқда.

**Олимхўжа УМАРХОДЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими**

# СТАТИСТИК ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Миллий матбуот марказида Давлат статистика қўмитаси ўтказган матбуот анжуманида мамлакатимиз саноати, макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар, нархлар, хизматлар, демография ва меҳнат, аҳолининг турмуш даражаси статистикаси бўйича маълумотлар берилди.***

Тизим фаолияти учун давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу жараёнлар статистикасини реал рақамларда акс эттириш, уларни аниқлаш механизмлари ва мезонларини қиёсий таҳлил қилиш жуда зарур. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, қўмита статистик фаолиятни такомиллаштириш, статистик ахборот сифати ва уни тарқатиш тизимини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси бошлиғи Одилжон Мамадалиевнинг маълумот беришича, Давлат статистика қўмитаси БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Халқаро валюта фонди, Евростат ва бошқа халқаро ташкилотлар ва статистика институтлари билан статистик ҳисоботларнинг услуб ва услубиётларини такомиллаштириш, уларни умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйган.

Шунингдек, бундай саъй-ҳаракатлар натижасида кичик корхоналар, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари статистик кузатувлари такомиллашуви, иқтисодиётнинг турли секторларида мунтазам статистик кузатувлар тизими кенгайиши, инфляция даражасини ҳисоблаш ва мониторингининг янги услубияти жорий этилишига эришилди.

Ҳукумат томонидан фойдаланувчилар учун расмий статистика маълумотларининг максимал даражада очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича чоралар кўрилмоқда. www.stat.uz расмий сайтида Давлат статистика қўмитасининг бу борада амалга ошираётган ишлари билан танишиш мумкин. Унда ўзбек, рус ва инглиз тилларида статистик маълумотлар, таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар жойлаштирилмоқда. Бундан ташқари, қўмитанинг Facebook ижтимоий тармоғида саҳифаси ва Telegram мессенжерида гуруҳи фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

**(ЎзА)**

# ТИНГЛОВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари учун ойлик қайта тайёрлаш ўқув курслари ташкил этилган эди.***

Ўқиш учун Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари қошида тузилган комиссиялар томонидан етакчилик қобилияти ва дунёқарашини аниқлашга қаратилган тест синовлари, хорижий тилларни билиши ҳамда суҳбат асосида ҳудудлардан 4 нафардан жами 56 нафар умумий ўрта таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари саралаб олинди.

Тингловчиларга бошқарув ва мулоқот психологияси, стратегик бошқарув, лойиҳа бошқаруви, иқтисодий сиёсат мавзуларида дарслар ўтилди.

Намунали бошланғич ташкилот фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш мақсадида тингловчиларнинг Тошкент шаҳридаги 324-умумий ўрта таълим мактабига ташрифи уюштирилди. Бу ерда Ёшлар иттифоқи ходимлари томонидан умумий ўрта таълим муассасалари бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг Ёшлар пресс-клубида мазкур ўқув курсларини муваффақиятли битирганларга махсус сертификатлар топширилди.

**Г.БОБОЕВА**



# ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида шу мавзуда семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

Унда Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Юристлар малакасини ошириш маркази вакиллари, суд-ҳуқуқ соҳасини ёритувчи журналистлар иштирок этди.

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган даврда оммавий ахборот воситалари ходимларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни аҳолига етказиб беришдаги роли тобора ортиб бораётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир. Қонун фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлардан фойдаланишини ҳуқуқий кафолатлаш билан бир қаторда, давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг шакл ва услублари, давлат органлари ва жамият ўртасидаги ўзаро ахборот алмашишнинг аниқ механизмларини белгилаб берди.

Семинар-тренингда амалиётда учраётган баъзи камчиликлар, уларни бартараф этиш мақсадида соҳага оид қонунчилик асослари ва киритилган ўзгартишлар ҳақида маълумот берилди. Қандай ҳолларда оммавий ахборот воситаларида гумон қилувчи, айбланувчи ёки судланувчини айбдор сифатида кўрсатиш мумкинлиги, бу борада материал тайёрлашда нималарга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида мутахассислар ўз фикр-мулоҳазасини билдирди. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасини ёритишда учраётган хато ва камчиликлар таҳлил қилинди.

Тадбирда журналистлар томонидан айрим материаллар ахборот манбаси ўрганилмай, вақтинчалик обрў-эътибор қозониш мақсадида саёз ва юзаки тайёрланаётганлиги қайд этилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ёритувчи оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқий билими ва касб маҳоратини янада ошириш, уларда шахсий масъулиятни кучайтириш, журналистлар билан Адлия вазирлиги ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

**(ЎзА)**

# КОМПОЗИТ БАЛЛОН ҚИММАТМИ ЁКИ ҲАЁТИМИЗ?

***Бугун юртимизнинг қай шаҳрига борманг кўчалар автомобиллар билан тўла. Албатта, бу аҳоли ҳаётининг фаровонлигидан, одамларнинг имкониятлари кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Автомобилларнинг кўпайиши ўз-ўзидан ёқилғи маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Шуни инобатга олган ҳолда республикамизда ички бозорни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш бўйича доимий чора-тадбирлар олиб борилмоқда.***

Автомобиллар учун газ ва газ конденсатини қайта ишлаш, суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, уларга хизмат кўрсатиш бўйича кенг тармоқли инфратузилма ташкил этилди.

Айнан шу мақсадларда, бундан бир неча йил илгари тадбиркорлар томонидан юртимизга чет мамлакатлардан турли автомобиль газ баллонлари ва ускуналари олиб келинди. Жумладан, жуда катта миқдорда усти композит қопламали баллонлар Хитой Халқ Республикасидан келтирилди. Лекин ўша даврда бундай баллонларни текшириш ва синаш стандартлари мавжуд эмас эди ва уларга ишлаб чиқарувчи заводлардан олинган синовлар натижаси асосида сертификатлар берилган.

Аммо вақт ўтиши билан бундай баллонлардан фойдаланиш нохуш ҳодисаларга олиб кела бошлади. Маълумотларга кўра ўтган йиллар давомида 55 та композит қопламали газ баллонларининг портлаши натижасида 32 ҳолатда 64 нафар юртдошларимиз, шулардан 41 нафари турли тан жароҳатлари олишган ва 23 нафари нобуд бўлишган. Автомобиллар эса қайта тикланмайдиган ҳолатга келган. Бундай аянчли воқеаларнинг кимлардир иштирокчиси ёки гувоҳи бўлган, кимлардир турли ахборот воситалари орқали хабар топган. Афсуски, айрим юртдошларимиз нафақат ўзининг, балки фарзандлари, яқинларининг ҳаётини хавф остига қўйиб бундай баллонлардан ҳамон фойдаланиб келмоқда. Масалан, яқиндагина Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида композит газ баллони портлаши натижасида 2 нафар йўловчи нобуд бўлди ва яна 6 нафари турли тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди. Шунингдек, Бухоро вилоятида газ баллони портлаши натижасида автомобиль эгаси ва унинг умр йўлдоши ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Содир бўлган воқеалар асосан мустаҳкамлик даражаси паст бўлган композит қопламали газ баллонларини, баллонларга ортиқча босимда газ тўлдириш, металл газ баллонлари навбатдаги техник синовдан ўтказмаслик ёки ўтказилган деб қалбаки далолатнома расмийлаштиришлар, ишлатиш муддати 15 йилдан ошган газ баллонларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда. Бундан ташқари, бундай баллонларнинг композит қисмидан фарқли ўлароқ, юмалоқ шаклдаги икки тарафидаги "қопқоқ" қисмининг асосий ўзагига уланган жойи ҳар гал 180-200 кгс/см$^2$ босим билан газ тўлдирилганда қайта-қайта зўриқишда мустаҳкамлиги йўқолиб боради.

Айтилган ҳодисаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида тегишли идоралар мутахассисларининг хулосаларига кўра, композит қопламали баллонларнинг металл қисмининг сифати ва қалинлиги меъёрий мустаҳкамлигини таъминламайди. Худди шуни таъкидлаб, Хитой Халқ Республикасидаги композит қопламали баллонлар ишлаб чиқарган ва ўзбекистонлик тадбиркорларга уларни сотган завод раҳбари номидан Тошкент шаҳар Ички ишлар идораларига юборилган катта партия баллонларни металл қисми (пўлат) сифати пастлиги сабабли заводга қайтарилишини сўраб хат ёзган.

Ҳозирги кунда композит қопламали газ баллонларни ишлатмаслик бўйича ҳар хил миш-миш маълумотлар тарқалмоқда. Бундай маълумотларни эшитгандан сўнг ўйлаб қоламиз, наҳотки инсон ўзининг ва фарзандларининг ҳаётига шунчалар бефарқ бўлса?

Буларнинг барчасини инобатга олиб, келгусида жамият, атроф-муҳит ва энг муҳими фуқароларимизнинг соғлиғи ёки ҳаётига етказилиши мумкин бўлган, юқоридаги каби ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан композит қопламали газ баллонларни Ўзбекистон Республикасида автомобилларга ўрнатиш тақиқланган ҳамда 2017 йил 11 октябрдаги қарорига мувофиқ композит қопламали газ баллонлар ўрнатилган автомобилларга республика ҳудудида 2018 йилнинг 1 февралидан бошлаб газ тўлдириш тақиқлаб қўйилди.

Буларнинг барчаси албатта халқимизнинг тинчлиги, фаровонлиги ва хавфсизлигини инобатга олган ҳолда бажарилаётган ишлар ҳисобланади.

"Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекцияси барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудида саноат ва радиация хавфсизлигига, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатларга, геологик назорат ва шунингдек, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа чора-тадбирларига риоя этилиши устидан давлат назоратини белгиланган тартибда амалга оширувчи саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Юқорида айтилган маълумотлардан тўғри хулоса чиқариб, автомобилингизга композит қопламали баллон ўрнига сифат даражаси юқори бўлган металл газ баллонидан ўрнатинг, шундагина сиз ўзингиз ва яқинларингиз ҳаёти хавфсизлигига бефарқ бўлмаган бўласиз.

**Бахтиёр РАҲМОНБЕРДИЕВ,**
**"Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекцияси инспектори**

# ЮРТГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

***Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бораётгани том маънода халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга ҳамда мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.***

Шунингдек, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш борасида жаҳон андозаларига мос қонунлар яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Зеро, адолатли қонунлар жамият ҳаёти, ривожланиши ва демократик тараққиётнинг негизидир. Шу билан бирга қонунлар инсон ва жамият ҳаётининг асосий заминини яратиб, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилади. Кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар инсонпарварлик, эзгулик ва адолат тамойилига асосланган.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар қолаверса, амалда қўлланаётган турли имтиёзларга, асосан меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш асосий вазифаларимиз бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, "Инсонга наф келтириш – олий бахт" деган ғоя ҳаракат дастуримизнинг негизини ташкил этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2017 йил 20 ноябрдаги "Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги Раёсат қарори, унга асосан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг 2017 йил 6 декабрда Раёсат қарори қабул қилинган эди.

Ҳар йили ўтказилиб келинаётган ушбу кўрик-танловда илк бор "Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис" номинацияси ҳам жорий этилганлиги соҳа ёш мутахассислари учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган корхоналар, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишда, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, соҳа бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, энг фаол иштирок этган ёш мутахассисларни аниқлашда 4 та номинация бўйича кўрик-танлов ўтказилиши белгилаб олинди.

Бирлашма Кенгаши томонидан ушбу кўрик-танловга тайёргарлик юзасидан тармоқларда семинар, давра суҳбатлари ўтказилди. Қарийиб 3 ой давом этган ушбу танловда "Меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган корхона", "Ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг яхши касаба уюшма ташкилоти", "Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда энг яхши меҳнат муҳофаза қилиш бўйича вакил", "Ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг фаол иштирок этган меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва совғалар билан тақдирландилар.

Пойтахт касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг навбатдаги Пленуми қарорига кўра жорий йилнинг апрель ойи "Меҳнат муҳофазаси ойлиги" деб эълон қилинган. Ходимларга хавфсиз, қулай меҳнат шароитларини яратиш, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган иш жойларини ташкиллаштириш, бахтсиз ҳодисалар профилактикаси юзасидан барча белгиланган ишларни амалга ошириш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Шу сабабли, касаба уюшмаларининг барча бўғинларида сидқидилдан меҳнат қилаётган фаолларни ушбу ойликда ташаббускорлик, изланувчанлик ва соҳа йўналишида янги инновацион ғоялар билан иштирок этишларини тилаб қоламиз.

**Р.МАҲАМАДАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ва туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига қуйида кўрсатилган товар моддий қимматликларни харид қилиш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Бектемир шоҳ кўчаси.

| | ЭЪЛОН (ТАЛАБНОМА) | | |
|---|---|---|---|
| № | Маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш номи | Ўл. бир. | Сони |
| 1 | TV "Samsung" 43 smart 5500 | дона | 1 |
| 2 | Кофе кайнатгич "Delonghi" esam 3500 | дона | 1 |
| 3 | TV "Samsung" UE40R6500 BU | дона | 1 |
| 4 | Микро.печь "Samsung"302 | дона | 2 |
| 5 | Чангютгич "HARLEM" | дона | 1 |
| 6 | Электрочойнак "Polaris" 1707 | дона | 3 |
| 7 | Электрочойнак "Rossel Hobbs" | дона | 1 |
| 8 | Электрочойнак "Dhilips" HD 9340 | дона | 1 |
| 9 | Мини АТС "Panasonic" KX-NC 500 | дона | 1 |
| 10 | Тел.аппар. "Panasonic" KX-DT 543 | дона | 1 |
| 11 | Тел.аппар. "Panasonic" KX-TGF 320 | дона | 1 |
| 12 | Тел.аппар. "Panasonic" KX-T 7705 | дона | 13 |
| 13 | Факс.аппар. "Panasonic" KX-FT 984 | дона | 1 |
| 14 | Тел.аппар. "Panasonic" KX-TG 2511 | дона | 4 |
| 15 | Дамас автомашинасини белгиланган намунадаги тарғибот наклейкаси билан жиҳозлаш | дона | 22 |
| 16 | Дамас автомашинасини 3-турдаги метан газ баллони билан жиҳозлаш | дона | 22 |
| 17 | Ёзги-қишки кондиционер билан жиҳозлаш | дона | 15 |
| 18 | Мебель жиҳозлари билан таъминлаш | тўплам | 10 |
| 19 | Пешлавҳа, пештахта ва ҳарфлар тайёрлаш | дона | 100 |
| 20 | Жалюзи ўрнатиш хизматини бажариш | кв.м | 200 |
| 21 | Мини АТС жиҳозини ўрнатиш | тўплам | 1 |

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 26.02.2014 йилда № 007235-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SUPER MEAT FOOD" МЧЖ (ИНН 302842834) таъсисчининг 25.12.2017 йилдаги № 1 қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-уйда қабул қилинади. Тел: +99898 124-70-00.

Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи томонидан 2006 йилда Донияров Сагдулла Туйчиевич номига берилган К № 566005 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**







## Спорт янгиликлари

## ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

***Мухлисларнинг хабари бор мамлакатимиз ва БАА футбол ассоциациялари томонидан футболни ривожлантириш ва оммавийлигини янада ошириш мақсадида икки томонлама меморандум имзоланган эди.***

Яқинда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти, Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов Дубай шаҳрида БАА футбол ассоциацияси бош котиби Муҳаммад Ҳаззам ал Даҳерий билан учрашди.

Унда 2019 йили БААда уюштириладиган футбол бўйича навбатдаги Осиё кубоги турнирининг ташкилий масалалари хусусида ўзаро фикр алмашилди. Эътиборлиси, БААдаги Осиё кубогида қатнашадиган ўзбекистонлик волонтёрлар йирик мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш тажрибасини ўрганиб, уни амалиётда татбиқ этадиган бўлишди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва БАА футбол ассоциациялари ўртасида имзоланган меморандумга кўра, ҳар икки юрт терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик ўйинлари ўтказиш, алмашув асосида ҳакамларни кубок финаллари ва ўртоқлик ўйинларига жалб қилиш бўйича ҳам музокара ўтказилди.

**Бахтиёр ҲАЙИТОВ**

## ҲАКАМЛАРИМИЗ ДОИМО ОФК ЭЪТИБОРИДА

***Мамлакатимиз рефериларида доимо Осиё футбол конфедерацияси эътиборида бўлиб, халқаро учрашувларга бош ҳакам сифатида жалб этилаётганликлари қувонарли.***

Апрель ойида қитъа миқёсида уюштириладиган халқаро ўйинларга яна икки нафар ўзбекистонлик ҳакамларимиз тайинлангани барчамизни хурсанд қилди. Жумладан, Осиё чемпионлар лигаси турнири доирасида ўтадиган Япониянинг "Серезо Осака" ҳамда Жанубий Кореянинг "Жежу Юнайтед" жамоалари ўртасидаги баҳсни Ильгиз Танташев бош ҳакам сифатида бошқарса, қанотларда унга Андрей Цапенко, Темур Гайнуллин ёрдам беришади. Шунингдек, ОФК кубогидан ўрин олган Уммоннинг "Ал-Сувайҳ" ҳамда Баҳрайннинг "Малькия" клублари ўйинига Шерзод Қосимов бош ҳакам этиб тайинланди. Қанотларда Қосимовга Руслан Серазитдинов ва Алишер Усмонов лайсмен сифатида ёрдам беришади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## НАВБАТДАГИ РАҚИБ БРАЗИЛИЯЛИК СПОРТЧИ

***Ўзбекистонлик ММА жангчиси Маҳмуд Мурадов ўзининг навбатдаги жангини 28 июнь куни Чехияда ўтказиши аниқ бўлди.***

Маълум бўлишича, спортчимиз ҳозирда мазкур жангга тайёргарликни бошлаб юборган. Бўлажак жангда унинг рақиби бразилиялик Давид Рамирес бўлади. Бу жангчилар олдин ҳам ўзаро тўқнаш келишган. 2016 йил декабрь ойида ташкил этилган қарама-қаршиликда Маҳмуд жароҳати сабабли чемпионлик жангида имкониятни бой берган.

Эслатиб ўтамиз, ҳамюртимиз бундан олдинги жангини XFN (X Fight Nights) турнири доирасида ўтказиб, бразилиялик 41 ёшли Эрвалдо де Оливейрани иккинчи раундда техник нокаутга учратган эди. Мазкур жанг унинг XFN ташкилоти билан тузилган шартномасига кўра сўнггиси бўлган эди. Бу жангга қадар у XFN турнирида учта жанг ўтказиб, иккита ғалаба ва битта мағлубият қайд этган.

## ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ТУНИСГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Тунисда ўтказиладиган жаҳон чемпионати ва Аргентинада ўтказиладиган учинчи ўсмирлар олимпия ўйинларига саралаш мусобақасида иштирок этишади.***

Куни кеча спортчиларимиз Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан Тунисга жўнаб кетди. 6-13 апрелга қадар ўтказиладиган ушбу мусобақаларда спортчиларимиз кучли таркиб билан қатнашадилар.

Учинчи ўсмирлар олимпия ўйинларига саралаш мусобақасида Улуғбек Рашидов, Жасур Жайсунов, Абдулазиз Ҳамидуллаев, Мадинабону Маннопова, Озода Собиржонова, Феруза Содиқова иштирок этади. Саралаш мусобақасида кучли саккизталикка кирган спортчилар олимпия ўйинларига йўлланма олади.

Шундан сўнг, Амир Тўраев, Бегзод Ибрагимов, Улуғбек Рашидов, Шаҳзод Жўраев, Данил Морозов, Жасур Жайсунов, Диёр Тухлибоев, Абдулазиз Ҳамидуллаев, Интизор Абдулалимова, Азиза Шамсиева, Озода Собиржонова, Дурдона Абдулхаева ва Феруза Содиқова жаҳон чемпионати баҳсларида иштирок этади.

Мусобақаларда умидли спортчиларимизга Собир Назаралиев ва Жасур Бойқўзиев мураббийлик қилади.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## Қилмиш – қидирмиш

***Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, баъзан билиб, баъзан билмай жиноят кўчасига кириб қолганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан. Лекин ўйламай босилган ҳар бир қадам учун жавоб беришга тўғри келади. Кейинги пушаймондан эса афсуски ҳеч қандай фойда йўқ...***

## БИР УМРЛИК ВИЖДОН АЗОБИ

Моҳира Назирова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 40 ёшдан ошган, 3 нафар фарзанди билан ўрта ҳол кун кечирарди. Тирикчилик важидан "Қўйлиқ" бозори атрофида кундалик иш топиб, шу билан андармон бўларди.

Бир куни маҳалласидан икки ярим яшар ўғли Бахтиёрни кўтариб чиқиб келаётганида таниши Саодат Муродовани учратиб қолди.

Қисқа саломлашувдан сўнг, Моҳиранинг қийин аҳволдалигидан фойдаланиб:

– Сиз болангизни сотасизми? – деди дабдурустдан.

– Йўқ, нималар деяпсиз! – қатъий жавоб берди Моҳира.

Шундан сўнг иккаласи хайрлашди. Ҳамма ўз иши билан кетди.

Орадан уч кун ўтиб, Моҳира "Қўйлиқ" деҳқон бозорида юрган пайти яна С.Муродовани кўриб қолди. Бироз гаплашиб тургач, Саодат уни бозор автотураргоҳида турган "Матиз" олдига бошлаб борди.

– Бу Зебо, – деди Саодат машина эгасини кўрсатиб – унинг қариндошига фарзанд керак, сотиб олмоқчи, яхшигина пул тўлайди... Юрасанми қийналиб, ўйлаб кўр!

Шундан сўнг уч аёл Зебо бошқарувидаги автомашинада ошхонага бориб овқатланишди. Шу орада бу ерга Зебонинг таниши Наргиза кириб келди. Гап айланиб яна бола олиш ҳақида кетди. Тўланадиган сумма айтилди...

Зебо ўз машинасида Моҳира ва ўғлини ижарада яшайдиган уйига олиб бориб қўйди. Моҳира гап орасида ижара хонадони эгасидан қарзи борлигини айтганида, Зебо унга 40 минг сўм пул берди. Ва эртага гуруч бозори ёнида учрашишга келишиб, хайрлашишди.

Эртаси куни соат 8:00 лар атрофида Моҳира Саодат билан биргаликда ўғлини олиб, Зебо билан учрашиш учун айтилган манзилга йўл олишди. Моҳира кўчага чиққанида таниши Маликани кўриб қолди, "мен билан бирга юр, иш бор", деб уни ҳам ўзига шерик қилиб олди. Хуллас, улар ҳаммаси биргаликда бозор тарафга йўл олишди. Бу пайт Зебо уларни кутиб турар эди. У машинасида ҳаммани олиб, ҳалқа йўлининг чеккасида жойлашган автосервис ёнига келди. Ўша ерда жойлашган ошхонага биргаликда киришди. Зебо Моҳирадан Маликанинг кимлигини сўради.

– Бу Бахтиёрнинг аммаси, – деб жавоб берди Моҳира.

Аслида Моҳирани гувоҳ бўлиши учун етаклаб келган эди.

Улар ўтирган ошхонага Зебонинг таниши Наргиза кириб келди. У Бахтиёрни олиб кетиши керак эди.

Наргиза М.Назировага 1000 АҚШ доллари, С.Муродовага 2000 АҚШ доллари берди.

С.Муродова ўзига берилган 2000 АҚШ долларидан 100 долларни олиб, М.Шаматовага тутқазди. Наргиза Моҳирадан келгусида болани даъво қилмаслиги учун тилхат ёздириб олди.

Шу пайт ошхонага бир нечта одамлар кириб келиб, ўзларини ички ишлар ходимлари деб таништиришди ва М.Назирова, С. Муродова, М.Шаматоваларни одам савдоси жиноятини содир этишда гумон қилиб бўлимга олиб кетишди. Тинтув ўтказилганда М.Назировадан 1000, С.Муродовадан 1900, М.Шаматовадан 100 АҚШ доллари чиқди.

Уч аёлга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки суриштирув ишлари олиб борилди. Одам савдосини ташкил қилишда асосий айбдор бўлган Саодат Муродова бир неча йиллардан бери турли жойларда ёлланма ишчи бўлиб ишлашини, ўзи билан битта маҳаллада яшовчи Мавлуда исмли аёлнинг танишига бола кераклиги, фарзанди йўқлиги сабабли бола асраб олмоқчи эканлигини айтиб, уни Зебо исмли аёл билан таништириб қўйганлигини, Зебо бола топиб берса, рози қилишини айтгани учун унинг қармоғига М.Назирова илинган эди.

Жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани суди очиқ суд мажлисида ушбу ишни кўриб чиқиб ҳукм ўқиди.

М.Назирова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисмининг "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Саодат Муродова ҳам худди шу модда билан 8 йил, Малика Шаматовага худди шу моддага ЖКнинг 67-моддасини қўллаб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади.

Ўйланиб қоласан: 9 ой вужудида катта қилиб, дунёга келтирган жигарбандини бегонага пуллашга онанинг қандай кўзи қийди? Ахир оналар ҳар қандай қийинчиликка елка тутиб, фарзандини оқ ювиб, оқ тараб катта қилади, ўзи емаса ҳам юрагининг бир парчасига тутади. Озгина ҳаёт қийинчилигидан нолиб, ўз жигарбандидан осонгина воз кеча олган аёлларни она деб бўлармикан?

Шу ўринда ёш болани бировга сотиш ҳам одам савдоси жинояти эканини унутмайлик, кейин бир умр виждон азобида қолманг. Ўғил қизларимизга ёшлигидан тўғри тарбия берайликки, токи улар катта ҳаёт йўлида қоқилиб қолмасинлар.

**Сарвар АҲМЕДОВ,**
**Бектемир тумани**
**прокурорининг ўринбосари**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **5 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 27-29 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли Қарорига мувофиқ, аввал хусусийлаштирилган ва бугунги кунда фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва бўш турган объектларнинг фаолиятини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш механизми тасдиқланган.

Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар Идоралараро комиссиянинг 30.03.2018 йилдаги 17-сонли йиғилиш баённомаси билан қуйидаги корхоналар Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган ва фойдаланилмаётган объектлар рўйхатига киритилди.

**Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари рўйхатига киритилаётган объектлар**
**РЎЙХАТИ**

| № | Объект номи | Жойлашган манзили | Бўш турган ер майдони (кв.м.) | Бўш турган бино майдони (кв.м.) | Мулкдор номи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ишлаб чиқариш | Яшнобод тумани, Ахсикат кўчаси, 176-уй | - | 4890 | "JSK GROUP EXPO" ШК |
| 2 | Ишлаб чиқариш | Яшнобод тумани, Шоҳимардон кўчаси, 84-уй | - | 2910 | "TRANS-RESURS" МЧЖ |
| 3 | Дўкон | Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 25-уй | 1389 | 707 | Алиева Нодира Шавкатовна |
| 4 | Ишлаб чиқариш | Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 40-уй | 3200 | 1692 | "MEGA PLAST GRAFIKS" МЧЖ |
| 5 | Ишлаб чиқариш | Бектемир тумани, Оҳангарон шоҳ кўчаси | - | 1165 | Ли Игор Константинович |
| 6 | Кафе | Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 35-уй | 2417 | 2820 | "DEVELOPMENT INVEST KONSALT" МЧЖ ХК |
| 7 | Ишлаб чиқариш | Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 33-уй | - | 3546 | "BANER PRINT" МЧЖ ҚК |
| 8 | Омбор | Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 33-уй | - | 1116 | Оилавий корхона БЛУМАРМАР |
| 9 | База | Яшнобод тумани, Ахсикат кўчаси, 176-уй | 4100 | 1289 | "SHARP AND SHINE" МЧЖ |

Объект мулкдорлари томонидан фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларида янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ташкил этиш, шунингдек, янги иш жойларини яратиш бўйича **6 ойлик муддатга** мўлжалланган инвестиция лойиҳасини **10 кунлик муддатда** ишлаб чиқиб, Тошкент шаҳар Идоралараро комиссиясининг ишчи органи – Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига тақдим этилиши лозим.

Тошкент шаҳар Идоралараро комиссиясининг тегишли хулосаларига асосан қуйидаги объект мулкдорлари томонидан белгиланган муддатларда инвестицион лойиҳалар амалга оширилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-2796-сонли қарорида белгиланган таъсирчан солиқ чоралари қўлланилди.

**Идоралараро комиссиянинг хулосаларига кўра умумбелгиланган солиқ турига ўтказилган ва ер-мулк солиғи икки карра оширилган корхоналар**
**РЎЙХАТИ**

| Т/Р | Мулк эгаси | Объект жойлашган манзили | Бўш бино-иншоотлар тўғрисида маълумот | | Ҳолати | Идоралараро комиссиянинг хулоса санаси ва рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ер майдони (га) | Бино-иншоот майдони (кв.м.) | | |
| 1 | "Istiqbol Poydevori" НТМ | Юнусобод тумани, 6-мавзе, Жумамасжид кўчаси | 5098 | 1344 | Қурилиши тугалланмаган | 30.03.2018 й. № 04-892 |
| 2 | "S.Q.ISLOMBEKOV NOMLI O'ZKIMYOFARM" АЖ | Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 23-уй | 7000 | 5000 | бўш турган | 30.03.2018 й. № 04-893 |
| 3 | "S.Q.ISLOMBEKOV NOMLI O'ZKIMYOFARM" АЖ | Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 1а-уй | 5142 | 7031 | бўш турган | 30.03.2018 й. № 04-894 |
| 4 | "ASFARMA SAVDO" МЧЖ | Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 132-уй | 2795 | 2346 | бўш турган | 30.03.2018 й. № 04-895 |
| 5 | "SERVIS SAIDA" МЧЖ | Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 117-уй | 26917 | 3653 | бўш турган | 30.03.2018 й. № 04-896 |
| 6 | Муратова Виолетта Евгениевна | Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 88-уй | 19559 | 4049 | бўш турган | 30.03.2018 й. № 04-897 |

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Ғазета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 435
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9804 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345